

Мамлакатимизда илмий, адабий хаёт ҳам бошланмок арафасидадир.

Хар канча таклидий ва асоси яхши курулмагон бўлса ҳам, истикболга умид боглайтургон холлар кўринадир. Зотан, бунисизда мумкин эмасдир.

Бир кунмас бир кун албатта илмий хаётга кирмак мажбурияти бордир. Чунки хар бир мамлакат хар бир миллатнинг ўз маданый хаётини курмок учун аввалан илм майдонига ташланиши, сўнгра шу илмий хаёт билан яшаши керакдир. Йўкса, у халкнинг тарих сахифасидан йўколиши аниқдир.

Бу кун биз, ўз мамлакатимизга яраша, баъзи бир илмий-адабий вазифалар каршисида тураимиз. Ўз мамлакатимизга яраша дедик. Чунки агар бошка маданый миллатларни орага кўшсак, хали бизда кўб-кўб килинадургон ишлар бордир. Факат бу кун на куч, на васоит бўлмагонидан улардан сўз очиш ҳам ортикчадир. Оз бўлса ҳам муаллимларимиз, бир нечагина бўлса ҳам илмий-адабий сохада ишлаб юрганларимиз бор. Шу кучимиз билан албатта оз-моз ишлаш мумкиндир. Бу кунги вазифамиз шу мумкинларни вужудга келтирмакдир.

Марказда илмий хаётимиз бор. У кўлидан келатурган кадар ишламакдадир. Албатта, ул ўз йўли билан устига олгон вазифаларини бажариб турар. Бунга биз ишонамиз. Факат бизда ундан ташкари баъзи килинадургон ишлар бор. Ўз мамлакатидан хабарсиз яшайтургон бир миллат дунёда йўқдир.

Хозиргача на бир Туркистон тарихи бор, на жўгрофиямиз! Табиий, бизда муаррихлар ва жўгрофия олимлари йўк. Хеч бўлмаса, мутаржимларимиз ҳам йўкмиким, бошка тилларда бўлгон, Туркистон хакида ёзилгон нарсаларни ўзгартирсинлар. Талабамиз, муаллимимиз, халкимиз кўбчилик эътибори билан ўз мамлакатини танитмокдир. Чунки кўлида васоит бўлмагонидан таниёлмасликка мажбурдир.

Бу бизнинг илмий вазифаларимиздан бирисидир.

Мактабларимизда юрт билан танишмок дарслари, юкорирок даражаларда жўгрофия билан иктисод ва иктисодга тегишлик дарслар бор. Факат буларнинг хеч бириси хеч бир мактабда тузук берилмайдир. Чунки муаллимнинг кўлида тутатургон бир нарсаси йўқдир. Мамлакатимизнинг иктисодий тириклиги, илгариги, хозирги холи бизга мажхулдир. Кандай бойликларимиз бор, хозир кандай ишламакдадир. Мамлакатнинг мадохил-махорижи (сарф-харажати - Б.К.) кандайдир? Кандай вазифалар олдида тураимиз? Бу халигача «иктисодий асос» деб кичкиратурган кишиларимизнинг билмайтургон энг бошлангич мавзуларидан биридир.

Иктисодчиларимизнинг вазифалари мана бу масалалар хакида авомий (популярный) нарсалар босдириб таркатишдир.

Туркистон тарихининг энг бой бир сахифасини очатургон адабий кишиларимиз ҳам биздан анча ишлар кутадир.

Бир неча йилдан бери адабиёт отида бир-икки шеър мажмуасидан бошка нима чикди? Бу билан адабий ишларимиз тузук борадир, дейиш мумкинми? Албатта йўк.

Навоий турк адабиётининг отасидир. Навоий адабиёт дунёсида жуда катта хизматлар килгон бир кишидир.

Навоий турк тилининг отасидир.

Навоий буюк адиб, буюк шоир, буюк дохийдир.

Факат кани биз уни таниймизми? Унинг хизматларини биламизми?! Унинг ким эканидан хабаримиз борми?! Халигача унинг таржимаи холини босдирмадик. Бир расмини чизиб

чикаргон бўлсак ҳам аслига унча мувофик эмасдир.

Бухоронинг очилиши билан Навоий даври учун энг мухим восикалар бизга очилгондир. Энг мухим кишиларнинг мухим асарлари, кўлёмалари хатто Навоийнинг ўз кўли билан ёзгон мактублари бор. Уларнинг расмларини олмок, таржимаи холларига кўшмок, ўшал даврга оид тафтишларга киришмак керакдир.

Бундан бошка хар замонда хар ерда етишган адиб ва шоирларни майдонга отмок керак. Буларнинг орасида адабиёт тарихи учун энг мухим ўрун тутатургонлари бордир. Биз бу кун кўлимиздан келатурган кадар килайлик, секин-секин тугаллаш замонанинг ишидир. Бу ишларни, бу ташаббусларни килиш учун илмий муассаса ва ташкилотларимизнинг тиришмоги керакдир.

Илмий хаётимизнинг йўлбошчилик килиши, нашри маориф ва маориф бюрларининг кучларини сарф этишлари зарурдир. Шу ишлар оркали биз илмий хаётга кирган бўлурмиз.

Бу макола «Зарафшон» газетасининг 1924 йил 21 июн сонида босилган.